

БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

PhD Раззаков Жасур Хамрабоевич

Тошкент молия институти

ORCID: 0009-0003-6534-1893

Аннотация. Мазкур мақолада бизнес лойиҳалари самараадорлигини баҳолаш амалиётини самарали ташкил этиши масалаларини ўрганишда бир қатор иқтисодчи олимларнинг изланишлари тадқиқ қилинган. Бизнес лойиҳалари самараадорлигини баҳолашда қўлланиладиган усувлар, мазкур жараёнда лойиҳаларни ривожлантириш ва "due diligence" амалиётидан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган. Олиб борилган изланишлар асосида илмий хуносалар берилган.

Калит сўзлар: лойиҳа, бизнес лойиҳаси, лойиҳа самараадорлиги, лойиҳа самараадорлигини баҳолаш, лойиҳани ривожлантириш, due diligence, инвестиция.

ЭФФЕКТИВНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ БИЗНЕС-ПРОЕКТОВ

PhD Раззаков Джасур Хамрабоевич

Ташкентский финансовый институт

Аннотация. В данной статье исследованы исследования ряда ученых-экономистов по изучению вопросов эффективной организации практики оценки эффективности бизнес-проектов. Анализируются методы, используемые при оценке эффективности бизнес-проектов, возможности развития проектов и использования в этом процессе практики комплексной проверки. На основании проведенных исследований даны научные выводы.

Ключевые слова: проект, бизнес-проект, эффективность проекта, оценка эффективности проекта, разработка проекта, комплексная экспертиза, инвестиции.

EFFECTIVE ORGANIZATION OF THE ASSESSMENT PROCESS OF BUSINESS PROJECTS

PhD Razzakov Jasur Xamraboevich

Tashkent Financial Institute

Annotation. In this article, the researches of a number of economic scientists have been researched in the study of the issues of effective organization of the practice of assessing the effectiveness of business projects. The methods used in assessing the effectiveness of business projects, the possibilities of developing projects and using due diligence practice in this process are analyzed. Scientific conclusions are given based on the conducted research.

Keywords: project, business project, project effectiveness, project effectiveness assessment, project development, due diligence, investment.

Кириш.

Бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш амалиётини самарали ташкил этиш мамлакат иқтисодиётида йирик бизнес субъектларининг юзага келишига, амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлигини оширишга, лойиҳаларни амалиётга муваффақиятли жорий этишга хизмат қиласи. Бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш амалиётини самарали ташкил этишда бир қатор йўналишлар орқали кутилган натижаларга эришиш мумкин. Хусусан, мамлакатимиздаги бизнес лойиҳаларида “due diligence” амалиётидан фойдаланиш лойиҳалар бўйича самарадорлигини оширади.

Бизнес лойиҳаларида “due diligence” амалиётидан фойдаланиш ўзининг бир қатор ижобий жиҳатларга эга эканлиги боис ривожланган мамлакатлар амалиётида лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда кенг қўлланилмоқда. “Due diligence” амалиёти номзод лойиҳалар билан боғлиқ барча омилларни таҳлил қилиш, уларни амалиётга татбиқ этиш учун тегишли усууллар ва имкониятларни аниқлаш жараёнларини қамраб олади. Қарор қабул қилувчilar ўзларининг инвестициялари хавфсизлигини таъминлаш учун лойиҳанинг прогноз қилинишини яхши тушунишлари лозим. Шунингдек, лойиҳани синчковлик билан текшириш лойиҳа бўйича бўшлиқларни аниқлаш имконини беради. Лойиҳани текшириш лойиҳа муваффақиятига таъсир қилувчи барча муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда комплекс прогнозни намоён қиласи. Мазкур жараён лойиҳага таъсир қилувчи иқтисодий, сиёсий ёки экологик омилларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли миллий амалиётда бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолашни самарали ташкил этиш ва мазкур жараёнда “due diligence” амалиётидан фойдаланиш масалаларини ўрганиш долзарблик касб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш амалиёти аксарият мамлакатларда ўрганиладиган соҳалардан бўлиб, лойиҳалар самарадорлиги инвесторлар ва лойиҳа эгаларининг фойда кўришини таъминлашга хизмат қиласи. Шу боисдан кўплаб тадқиқотчilar мазкур амалиёт бўйича тадқиқотчilar олиб борган. В.Боурас фикрича, “loyiҳaning муваффaқiятli яқunlaniши xарajat, vaqt va samaradorlik (sifat)ga boғliқ, deя ҳisoblanган. Kейinchaлиқ, тадқiқotchilar томонидан loyiҳaning muvaффaқiyatini ўlchaш учун kўпроқ мезонлар қўшилган ҳамда bugungi kунда kўplab жиҳatларга эътибор қaratilmоқда” (Vassilis, Bouras, 2013). Ҳозирда лойиҳанинг самарадорлигини баҳолашда кўплаб кўrsatkiчlarning инобатга олиниши лойиҳа рискини пасайтиришга ёки аниқ ҳisob-kitoblarни шакllantiriшга хizmat қиласи.

Ескомбе (2002) “кредиторлар томонидан рискини баҳолаш маълум бир рискнинг лойиҳанинг ҳаётийлигига кўrsatiши мумкин бўлган молиявий таъсири билан бир қаторда унинг ҳaқiқatda содир бўлиш эҳtimoliqa ҳam асосланиши”га эътибор қaratgan.

Ванг ва бошқалар (2022) “loyiҳani баҳolash жaraёni bosқichma-bosқich ягона iқtisodiy баҳolashdan kўp ўlchovli комплекс баҳolashgacha bўlgan жaraёнni қamrab oлади. Lойиҳанинг tarmoқ xususiyatiдан keliib чиқсан ҳolda uning ijtimoiy va iқtisodiy taъsirini баҳolashga эътибор қaratiladi. Shuning учун тадқiқotchilar баҳolash kўrsatkiчlarini tanlaшда баъзи ijtimoiy omillarни ҳam ҳisobga oлади”, deя taъkiдлаган. Lойиҳа самарадорлигини баҳолашда лойиҳанинг ijtimoiy va iқtisodiy oқibatlarini аниқлаш орқали мазкур лойиҳанинг жозibadorligini belgilash мумкин.

Зада ва бошқалар (2023) томонидан олиб борилган тадқiқotlariga kўra “loyiҳani бошқariш самарадорлиги (PME) лойиҳани бошлашдан tortib то амалга оширишгача bўlgan жaraённи ўз ichiga олиши лозим. Lойиҳани бошқariш самарадорлиги, шунингдек, лойиҳанинг қўlamini аниқлаш, xariд қилиш тартиб-қoидalarini iшlab чиқish, rivojlanishiни kuzatiб бoriш va belgilangan muddatda tўlovlarни амалга

оширишни ўз ичига олади". Бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда лойиҳани бошқариш самарадорлигини аниқ белгилаш лозим.

Бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда мавжуд рискларни сифат ва миқдорий таҳлил қилиш лозим. "Рискларни сифат таҳлили бу лойиҳа бўйича кутилиши мумкин бўлган асосий рискларни аниқлаш, лойиҳани амалга оширишда унинг оқибатларини ўрганиш ва рискларни пасайтириш йўлларини (тадбирларини) аниқлашдан иборат. Рискларнинг миқдорий таҳлили бу рисклилик нуқтаи назаридан лойиҳа бўйича бир қатор омилларнинг ўзгариши натижасида лойиҳа самарадорлиги мезонларининг ўзгаришини ўрганишдан иборат" (Xujamkulov, Ismailov, 2019).

Абдураҳимова (2023) тижорат банкларида лойиҳалар самарадорлигини оширишда замонавий молиявий технологиялардан фойдаланиш имкониятларига тўхталиб ўтган. "Жараёнларни автоматлаштириш, таваккалчиликларни бошқаришни такомиллаштириш ва мижозлар учун шахсийлаштирилган хизматларнинг барчаси банкнинг рентабеллиги ва умумий рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради". Тижорат банкларида лойиҳалар самарадорлигини оширишда молиявий технологиялар аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Абдикаримова (2018) қайд этишича, "мамлакатимизда иқтисодий ривожланишга эришиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, бизнес юритишнинг турли шаклларини йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар яратишида банк кредитлари муҳим аҳамият касб этмоқда". Бизнес лойиҳалари самарадорлиги мазкур бизнесни молиялаштириш шакли билан ҳам бевосита боғлиқлигини кўриш мумкин.

Миллий амалиётда бизнес лойиҳаларида "рискни тўғри баҳолаш ва камайтириш мақсадида онлайн молиявий консалтинг, инвестицион краудфандинг, молиявий рискларни баҳоловчи технологиялар" (Омонов, 2023) каби замонавий молиявий хизматлардан фойдаланиш мазкур амалга оширилаётган бизнес лойиҳасининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Давлатшаев (2023) таъкидлашича, "бозор шароитида амалга оширилаётган бизнес лойиҳалари учун лойиҳанинг истиқболли рентабеллиги, яъни унинг якуний илмий, техник, ижтимоий, экологик ва иқтисодий самарадорлиги энг муҳим масаласи ҳисобланади. Шунинг учун корхоналар раҳбарлари инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда танлов воситалари ва услубий ёндашувларга эга бўлишлари керак. Лойиҳа иқтисодий жиҳатдан самарали бўлса, амалга оширилиши мумкин ва аксинча, самарасиз бўлса, уни рад этиш керак".

"Корхона молиявий ҳолатининг ёмонлашишига яна бир сабаб: чет эл валютасида олинган банк кредити бўлиб, у бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши корхонанинг молиявий фаолиятдан олаётган зарарини янада кучайтиrmокда" (Mamatov, 2022). Хорижий банклардан бизнесни молиялаштириш мақсадида кредит олишда, албатта, валюта рискини ҳисобга олиш ва кутиладиган йўқотишларга тайёр туриш лозим. Шунингдек, хорижий инвесторлар иштирокидаги бизнес лойиҳаларида валюта риски ҳам инобатга олиниши лозим.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш лозимки, бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолашни самарали ташкил этишда рискларни баҳолаш, пул оқимларини прогноз қилиш, молиявий ва иқтисодий самарадорликни аниқлаш кабиларга эътибор қартиш лозим. Қолаверса, лойиҳаларни амалиётга жорий қилишда замонавий молиявий технологияларни қўллаш ва "due diligence" амалиётидан фойдаланиш масалаларини кенгроқ тадқиқ қилиш лозим.

Тадқиқот методологияси.

Бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолашни самарали ташкил этиш масалаларини ўрганишда бир қатор усуслардан фойдаланилган. Турли тадқиқотчиларнинг ёндашувини ўрганиш асосида илмий абстракциялаш ва таққослаш

усуллари қўлланилган ва илмий хуносалар шакллантирилган. Бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолашни самарали ташкил этиш масалаларини ўрганишда қиёсий таҳлил, индукция, дедукция каби усувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда “due diligence” амалиётини самарали ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Лойиҳани ривожлантириш ва лойиҳада “due diligence” амалиётининг бизнес лойиҳаларига татбиқ этилиши таклиф этилаётган инфратузилма лойиҳалари учун унинг ривожланишга яроқлилигини тасдиқлаш учун лойиҳани батафсил ўрганиш, тегишли даражадаги текширувларни ўтказиш ва аниқ дизайн параметрларини аниқлаш лойиҳа кўламини ривожлантириш учун зарур. Мазкур жиҳат яхши режалаштирилган ва ишлаб чиқилган лойиҳа тақдим этилишини ҳамда лойиҳа учун харид жараёнлари аниқ ва мос маълумотларга асосланишини таъминлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, лойиҳани ривожлантириш ва “due diligence” жараёни лойиҳага ёки инвестиция ҳаётий циклига янги фаолиятларни қўшиш учун мўлжалланмаган, балки лойиҳа муваффақияти имкониятларини ошириш учун лойиҳанинг қайси босқичида қайси фаолиятни кўриб чиқиши кераклиги ҳақида кўрсатма беради. Якуний лойиҳа режасида лойиҳа ташабbusкори тегишли лойиҳани ривожлантириш ва “due diligence” жараёнини ўтказишнинг даражасини ва элементларини танлайди.



1-расм. Gateway Review Process (GRP) усули босқичлари²²¹

Халқаро амалиётда лойиҳалар самарадорлигини аниқлашда лойиҳани ривожлантириш ва due diligence жараёнини ташкил этишда Gateway Review Process (GRP) усулидан фойдаланилади. Лойиҳани текширишга мўлжалланган мазкур усул лойиҳалардаги лойиҳа ҳаётий циклининг асосий қарор нуқталарида текширади. Жараёнда лойиҳа эгасига (loyiҳани тақдим этувчи ташкилот) лойиҳанинг жорий тараққиёти ва кейинги босқичга ўтиш хавфининг рейтинги ҳақида ўз вақтида маслаҳат

²²¹ Иқтисодий адабиётлар асосида муаллифлар томонидан шакллантирилган.

бериш учун мустақил ташқи экспертлар гуруҳидан фойдаланилади. Лойиҳалар олти босқичли текширувдан ўтиши лозим (1-расм).

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқаётган лойиҳа эгаларига ёрдам бериш учун инвестицияларнинг ҳаётийлик циклини тақдим этади. Улар таклифларни шакллантириш, инвестиция қарорлари ҳақида маълумот бериш, лойиҳаларни амалга оширишни кузатиш ва инвестицияларнинг самарадорлигини кузатиш учун мўлжалланган. Мазкур жараён лойиҳани текширувдан ўтказишнинг З та босқичини қамраб олади (1-жадвал). Лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш амалиётидаги юқорида қайд этилган жиҳатларни миллий амалиётдаги бизнес лойиҳаларига ҳам татбиқ этиш лозим.

1-жадвал

Бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда инвестицияларнинг ҳаётийлик цикли бўйича ётибор қаратиладиган жиҳатлар²²²

Кўрсаткичлар	Бизнес ҳолати	Харид қилиш	Етказиб бериш
Вазифалар	Эҳтиёжни аниқлайди, имтиёзларни белгилайди, аралашувни ўрганади, харажатларни ҳисоблайди, етказиб бериш жараёнини аниқлайди.	Етказиб бериш варианtlарини ўрганади, етказиб бериш режасини якунлайди, бозорни жалб қиласди, шартнома тузади.	Ечимни амалга оширади, инвестицияларни оддий бизнесга ўтказади.
Жавоб топилиши лозим бўлган саволлар	Муаммо ёки хизматга эҳтиёж нима? Муаммони ҳал қилишдан қандай фойда бор? Инвестиция қилиш учун мажбурий ҳолат борми? Лойиҳани режалаштирилган тарзда етказиб бериш мумкинми?	Инвестицияларни етказиб беришнинг қайси усули афзалроқ?	Инвестициялар режалаштирилганидек кетяптими? Инвестициялар учун ўзгаришлар керакми?

Лойиҳани ривожлантириш ва лойиҳада “due diligence” амалиётининг бизнес лойиҳаларига татбиқ этилиши лойиҳани ишлаб чиқиши ва етказиб беришда муҳим рол ўйнайди (2-расм).

- Тахминлар, хавфлар ва муаммоларни аниқлаш ва текшириш учун тартибли ва режалаштирилган ахборот йиғиши
- Лойиҳанинг техник ва техник бўлмаган маҳсус талабларини аниқлаш
- Муҳим ахборот ва техник қарорларни қабул қилиш нуқталарини эрта аниқлаш
- Техник, контекстуал, режалаштириш ва атроф-муҳит масалаларини ўз ичига олган ҳолда асосий етказиб бериш йўналишидан ташқари мулоҳазаларни кенгайтириш
- Давлат ва пурдатчилар ўртасидаги муҳим лойиҳа қарорларини мувозанатлашга интилиш
- Рискларни камайтириш бўйича асосланган режалар ишлаб чиқиши
- Муҳим муваффақият элементларини тизимли кўриб чиқиши

2-расм. Бизнес лойиҳаларида лойиҳани ривожлантириш ва “due diligence” амалиётида ётибор қаратиладиган жараёнлар²²³

²²² Иқтисодий адабиётлар асосида муаллифлар томонидан шакллантирилган

²²³ Иқтисодий адабиётлар асосида муаллифлар томонидан шакллантирилган

Бизнес лойиҳаларида лойиҳани ривожлантириш ва “due diligence” амалиётида эътибор қаратиладиган жараёнлар сифатида тахминлар, хавфлар ва муаммоларни аниқлаш ва текшириш учун тартибли ва режалаштирилган ахборот йиғиш, лойиҳанинг техник ва техник бўймаган махсус талабларини аниқлаш, муҳим ахборот ва техник қарорларни қабул қилиш нуқталарини эрта аниқлаш, техник, контекстуал, режалаштириш ва атроф-муҳит масалаларини ўз ичига олган ҳолда асосий етказиб бериш йўналишидан ташқари мулоҳазаларни кенгайтириш, давлат ва пурратчилар ўртасидаги муҳим лойиҳа қарорларини мувозанатлашга интилиш, рискларни камайтириш бўйича асосланган режалар ишлаб чиқиш ва муҳим муваффақият элементларини тизимли кўриб чиқиши таъкидлаш лозим (2-расм).



3-расм. Лойиҳаларда “due diligence” амалиётини ташкил этиш йўналишлари²²⁴

3-расмда лойиҳаларда “due diligence” амалиётини ташкил этиш йўналишлари акс эттирилган бўлиб, мазкур йўналишлар сифатида қўйидагиларни таъкидлаш лозим: лойиҳанинг қонунийлиги ва рентабеллигини баҳолаш учун ҳуқуқий, логистика, ишчи кучи ва бухгалтерия шартларини ўрганиш, лойиҳа режасида талаб қилинганидек, зарур лойиҳа ресурслари, уларнинг миқдори ва имкониятлари мавжудлигини исботлаш, лойиҳа ризклари каби атроф-муҳит шароитларини тадқиқ қилиш ва баҳолаш, лойиҳанинг мақсадлари, хужжатлари ва тахминларини, шу жумладан лойиҳа режасини текшириш ҳамда лойиҳа харажатларининг лойиҳа режасига ва кутилаётган натижаларга мос келишини текшириш.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар асосида қўйидаги хулосалар шакллантирилган:

бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш амалиётини самарали ташкил этиш мамлакат иқтисодиётида йирик бизнес субъектларининг юзага келишига, амалга

²²⁴ Иқтисодий адабиётлар асосида муаллифлар томонидан шакллантирилган

оширилаётган лойиҳалар самарадорлигини оширишга, лойиҳаларни амалиётга муваффақиятли жорий этишга хизмат қиласиди;

бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш амалиётини самарали ташкил этишда бир қатор йўналишлар орқали кутилган натижаларга эришиш мумкин. Хусусан, мамлакатимиздаги бизнес лойиҳаларида “due diligence” амалиётидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

бизнес лойиҳалари самарадорлигини баҳолашни самарали ташкил этишда рискларни баҳолаш, пул оқимларини прогноз қилиш, молиявий ва иқтисодий самарадорликни аниқлаш кабиларга эътибор қаратиш лозим. Қолаверса, лойиҳаларни амалиётга жорий қилишда замонавий молиявий технологияларни қўллаш ва “due diligence” амалиётидан фойдаланиш масалаларини кенгроқ тадқиқ қилиш лозим;

loyiҳani ривожлантириш ва лойиҳада “due diligence” амалиётининг бизнес лойиҳаларига татбиқ этилиши таклиф этилаётган инфратузилма лойиҳалари учун унинг ривожланишга яроқлилигини тасдиқлаш учун лойиҳани батафсил ўрганиш, тегишли даражадаги текширувларни ўтказиш ва аниқ дизайн параметрларини аниқлаш лойиҳа кўламини ривожлантириш учун зарур.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Karimovna A.D. (2023) EFFICIENCY OF USING FINANCIAL TECHNOLOGIES IN BANKS //International journal of economic perspectives. – T. 17. – №. 12. – C. 12-18.

Mamatov B. (2022) Акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларини самарали ташкил этиши масалалари //Moliya va bank ishi. – T. 8. – №. 4. – C. 105-110.

Muhammad Zada, Jawad Khan, Imran Saeed, Shagufta Zada, Zhang Yong Jun. (2023) Linking public leadership with project management effectiveness: Mediating role of goal clarity and moderating role of top management support. // Heliyon, Volume 9, Issue 5, May.

Vassilis K. Bouras. A (2013) Method for the Evaluation of Project Management Efficiency in the Case of Industrial Projects Execution. // Procedia - Social and Behavioral Sciences, Volume 74, 29 March, Pages 285-294

Xujamkulov D.Yu., Ismailov D.A. (2019) Investitsiya loyiҳalarini boshqarish. O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, – 302 b.

Yescombe E.R. (2002) Principles of Project Finance. // Academic Press, California, USA, – P. 138.

Zhaohua Wang, Qiang Liu, Bin Zhang. (2022) What kinds of building energy-saving retrofit projects should be preferred? Efficiency evaluation with three-stage data envelopment analysis (DEA). // Renewable and Sustainable Energy Reviews, Volume 161, June.

Абдикаримова Д.Р. (2018) Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини тақомиллаштириш ўйлари //PhD илмий даражаси олиш учун ёзган диссертация автореферати. – Т. 61.

Давлятшаев А. (2023) O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINING RIVOJLANISHIDA INVESTITSIYA RISKLARINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – Т. 3. – №. 3. – С. 78-87.

Омонов С.Ў. (2023) Капитал бозорида институционал инвесторлар фаоллигини ошириш //PhD илмий даражаси олиш учун ёзган диссертация автореферати. –Т. 21.